



БЎЛАЖАК ОНА ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Каримов Р.Р.

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

Таянч сўзлар: хусусият, ҳолат, самарадорлик, компетентлик, билим, кўникма, тажриба, тайёргарлик, қонуният, маҳорат, имконият.

Ключевые слова: черта, состояние, эффективность, компетентность, знание, умение, опыт, подготовка, легитимность, умение, возможность.

Key words: trait, state, effectiveness, competence, knowledge, skill, experience, training, legitimacy, ability, opportunity.

Турли ихтисосликдаги ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги муаммоси педагогик таълимдаги энг муҳим масалалардан биридир. Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, таълим-тарбия ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш зарурлиги ҳамда мактаб ўқувчиларини ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу масалалар ечимини топишда ўқитувчининг муҳим роли ҳисобга олиниб, олий таълим муассасаларида ўқиш даврида уларнинг касбий компетентлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз педагог-олимларидан Р.Исянов [3], Н.Муслимов, М.Усмонбоева, М.Мирсолиева [5] ва бошқалар бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилганлар.

Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш уларнинг касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини ўз ичига олади.

Ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш тушунчаси ҳозирда жуда кенг қўлланилмоқда. У қуйидагилардан иборат:



- жамиятда фаолият юрита олиш, жамият муаммоларини билиш, унинг фаолият механизмини тушуниш қобилияти;
- ижтимоий фаол фаолият ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш кўникмаси;
- шахснинг жамиятда ижтимоий мослашиш қобилияти, ижтимоий ҳаёт қоидалари, меъёрлари, қонунларини қабул қилиш ва шу билан бирга - ўзини ноёб шахс сифатида англаш, ўзи ва жамият учун мақбул танлов қилиш, кадриятлар тизимини шакллантириш қобилияти;
- жамиятда фаолият юритиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш ва ижтимоий институтларнинг фаолияти ва ривожланишида биргаликда қарорлар қабул қилишда иштирок этиш қобилияти [6].

Ижтимоий-педагогик компетентлик тушунчаси билан бир қаторда ижтимоий-психологик компетенция ва ижтимоий коммуникатив компетенция тушунчалари қўлланилади. Бундан ташқари, ушбу атамаларнинг ишлатилиши кўпинча бир хил семантик маънода учрайди.

Бундай ҳолда, ижтимоий-педагогик компетентлик қуйидагича талқин қилинади:

- ишбилармонлик ва шахслараро муносабатлар тизимида бўйсунувчилар билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарали ҳамкорликни ташкил этиш қобилияти (А.В.Петровский, М.Г.Ярошевский);
- тузилиши, мазмуни ва сифат белгиларининг ўзига хослиги билан ажралиб турадиган мураккаб шаклланиш (А.А.Бодалев);
- жамият, сиёсат, иқтисод, муайян жамоалар, мулоқот услуби, маданият ва бошқалар ҳақидаги махсус билимлар мажмуаси (яъни, бир пайтлар дунёқараш деб аталган);
- шахсга ҳар қандай ижтимоий вазиятда ҳаракат қилиш, тўғри қарор қабул қилиш ва мақсадга эришиш имконини берадиган ижтимоий идрок этиш қобилияти.

Бўлажак она тили ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда халқ оғзаки ижодида, мақолларда, маталларда, урф-одатларда, турмуш тарзида, кузатишларда бу компетентликнинг миллат, жамоа менталитетида белгилар шаклида ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш зарур. Қундалик ижтимоий-педагогик компетентлик оилада, қундалик ҳаётда, хизмат кўрсатиш соҳасида, ижтимоий ва миллий муносабатларда намоён бўлади.

Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- шахснинг индивидуал хусусиятлари (интроверт ёки экстраверт тип, аутистик ёки аутистик бўлмаган шахс типи);

- шахснинг психологик ҳолати ва тузилиши;
- ижтимоийлашув самарадорлиги;
- маданий асослар ва шахснинг маданий фарқлари;
- шахснинг маҳсус ижтимоий-психологик тайёргарлиги.

Бўлажак она тили ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда уларнинг касбий билим, кўникма, ўз-ўзини билиш тажрибаси, болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари ва ҳиссий ҳолати тўғрисидаги билимларнинг уйғунлигини эътиборга олиш муҳим. Шунингдек, уларни ижтимоий-сиёсий, лингвистик ва касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш зарур.

Ўқитувчининг касбий-педагогик тайёргарлигининг муҳим элементи унинг методик билимидир, чунки унинг ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқув жараёнини ташкил этиш, ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ишлашнинг мақбул усуллари ва методларини танлаш қобилиятига боғлиқ. Педагогика, психология, замонавий она тили ва уни ўқиш методикаси дарсларида зарур касбий педагогик маҳорат ва ўқитувчилик маҳорати шаклланади ва ўқув амалиёти жараёнида мустаҳкамланади. Ўқув жараёнининг барча қисмлари ўқитишдаги касбий йўналишни ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак. Филология факультетлари ўқув режасига киритилган она тили фанларини ўқитишнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қиладиган энг муҳим талаб мактаб дастурларини ҳисобга олган ҳолда тузилган ўқув машғулотларини ташкил этиш бўлиб, у педагогика олий ўқув таълим муассасалари олдида қўйилган муаммони ҳал қилиш жараёнида ўқув имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш имконини беради.

Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш зарурати она тили курсини ўқитишда асосан назарий материални ўзлаштириш ва таҳлил қилишга қаратилганлик, унинг мактабда амалий қўлланилишига етарлича эътибор бермаслигидан келиб чиқади. Мустақил иш жараёнида талабаларнинг ўқув фаолиятининг асосий турлари ихтисослаштирилган адабиётларни ўқиш ва умумлаштириш ҳамда дарсда ўқиганларини такрорлаш билан чекланиб қолмоқда.

Она тилини ўқитиш методикаси бўйича амалий машғулотларда талабалар мактаб дастурлари ва дарсликларининг тузилиши билан танишадилар, дарсининг баъзи жиҳатларини ишлаб чиқадилар, мактаб курсининг турли грамматик мавзулари бўйича схематик дарс ишланмаларини ўқитувчи таклиф қилган моделга мувофиқ тузадилар, мактаб ўқитувчиларининг дарсларида қатнашадилар ва бошқа турдаги ишларни бажарадилар. Бундай дарслар, албатта, талабаларда лингвистик материални таҳлил қилиш бўйича зарур кўникмаларни ва шаблон ёрдамида дарс режасини тузишда баъзи услубий кўникмаларни шакллантириш учун маълум амалий аҳамиятга эга. Бироқ, бу бошқа асосий



фанлар ўртасидаги алоқадорликни таъминламайди ва миллий мактабларда она тили ўқитувчиларини янада самарали тайёрлашга тўсқинлик қилмоқда.

Кейинги йилларда асосий фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг касбий йўналиши масаласи қайта-қайта кўтарилиб келинмоқда, лекин, афсуски, бу масала ҳали услубий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш учун танланган мутахассисликка мос келадиган таълим жараёни зарур. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ошириш коммуникатив, фаол, интерактив ва ижтимоий характерга эга бўлиши керак. Бундай ижтимоий-таълим жараёни бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, таълим жараёнида унинг барча субъектларининг фаол фаолияти билан боғлиқ қоидалар бажарилиши керак. Бу дарслар давомида тадқиқот позициясини шакллантириш ва ривожлантиришга, ҳар бир иштирокчини интерактив фаолиятга ва фаол ўзаро таъсирга жалб қилишга ёрдам берадиган шароитларни яратишга имкон беради.

Таълим ҳолати ва ҳақиқий касбий тажриба билан боғлиқ вазият муҳим ҳисобланади. Бундай ҳолда, таълим жараёнининг ҳиссий жиҳатдан бой муҳитини моделлаштириш учун махсус усул ва методларидан фойдаланилади. Бу тегишли касбий билимларни шакллантиришга ва ўқитувчилик фаолиятининг хусусиятларини тушунишга ёрдам беради.

Ижтимоий ривожланиш механизмларини кўпайтириш, алоқа соҳаларини, ижтимоийлаштириш институтлари ва воситаларини кенгайтириш бўлажак ўқитувчининг ҳар томонлама ривожланишини фаоллаштиради, таълим фаолияти доирасида чекланиб қолмасдан, бўш вақтни ўтказиш, оммавий тадбирларда қатнашиш ва бошқа турли хил синфдан ташқари, маданий ва ижтимоий тадбирларни режалаштиришга имкон беради.

Ўзаро ривожланиш муҳим бўлиб, бу ўзаро когнитив фаолиятни назарда тутлади. Бу биргаликда ижодий фаолият билан ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган тегишли шакллар, техникалар, технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланишни англатади. Натижада, педагогик жараённинг иккала иштирокчиси - ўқитувчи ва талаба - маълумот ва тажриба билан бойитилади.

Таълим жараёнида индивидуал ёндашувдан фойдаланиш алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу ўрганилаётган фанлар мазмунининг ҳамда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги шахслараро мулоқот даражасининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузатишларни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув педагогик жараённинг барча иштирокчилари ўртасида мазмунли шахслараро мулоқотни таъминлайди, ўзаро ҳурмат ва турли фикрларни қабул қилишни шакллантиришга ёрдам беради.



Шундай қилиб, бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш учун ижтимоий тажрибани ўқув жараёнига интеграциялаш ва унинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, талабаларнинг шаклланаётган компетенциялари кўламини кенгайтириш ва унинг барча иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш зарур бўлади.

Адабиётлар:

1. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. 40 с.
2. Иванов Д.А., Митрофанов К.Г., Соколова О.В. Компетентностный подход в образовании. Проблемы, понятия, инструментарий: учебно-методическое пособие. М.: АПК и ПРО, 2003. 101 с.
3. Исянов Р.Г. Кластерный подход к формированию компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. -Т.: ТГПУ, 2014.-69 с.
4. Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования.- Т.: Шарк, 2004.-592 с.
5. Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. "Инновационные технологии в педагогике компетентности" модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. - Т: 2016. -147 б.
6. Растянинников А. В., Степанов С. Ю., Ушаков Д. В. Рефлексивное развитие компетентности в совместном творчестве. М., 2002.

РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш тушунчаси хозирда жуда кенг қўлланилмоқда. У жамиятда фаолият юрита олиш, жамият муаммоларини билиш, унинг фаолият механизмини тушуниш қобилияти, ижтимоий фаол фаолият ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш кўникмаси, шахснинг жамиятда ижтимоий мослашиш қобилияти, ижтимоий ҳаёт қондалари, меъёрлари, қонунларини қабул қилиш ва шу билан бирга - ўзини ноёб шахс сифатида англаш, ўзи ва жамият учун мақбул танлов қилиш, кадриятлар тизимини шакллантириш қобилияти ва бошқаларни ўз ичига олади.

Мақолада бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш масалалари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

Сегодня широко используется концепция развития социально-педагогической компетентности. Это способность функционировать в обществе, знать проблемы общества, способность понимать механизм его деятельности, способность осуществлять социально активную деятельность и социально ориентированные проекты, способность человека социально адаптироваться в обществе, принимать правила, нормы и законы общественной жизни и в то же время - быть уникальной личностью включает в себя способность воспринимать себя, делать приемлемый для себя и общества выбор, формировать систему ценностей и т. д.

В статье освещаются вопросы развития социально-педагогической компетентности будущих учителей родного языка.

SUMMARY

Today, the concept of developing socio-pedagogical competence is widely used. This is the ability to function in society, to know the problems of society, the ability to understand the mechanism of its activities, the ability to carry out socially active activities and socially oriented projects, the ability of a person to adapt socially in society, to accept the rules, norms and laws of social life and at the same time to be a unique individual. includes the ability to perceive oneself, make choices acceptable to oneself and society, form a value system, etc.

The article highlights the issues of developing the socio-pedagogical competence of future teachers of their native language.